

ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ ВА ФРЕНСИС ФУКУЯМАНИНГ ЛИБЕРАЛ ҒОЯЛАРИ (ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)

Ҳайдаров Абдор

*Тошкент давлат транспорт университети,
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, ф.ф.н.*

Ҳабибуллаев Ҳожиакбар Ҳайрулло ўғли,

Тошкент давлат транспорт университети, SSH-I гуруҳи талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш концепцияси Ғарб либерализми ғоялари, хусусан, Френсис Фукуяма қараишлари контекстида, Ўзбекистоннинг мустақилликдан кейинги тараққиёт йўли, миллий анъаналар ва халқаро тажриба ўртасидаги мувозанатни топишга қаратилган саъй-ҳаракатлари, мамлакат барқарор ривожланиш учун кучли институтларни яратиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш муҳимлиги таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, либерализм, Гегель. Карл Маркс, Френсис Фукуяма, глобализув, жаҳон тарихи, либерал қадриятлар, бозор иқтисодиёти, демократия,

Abstract: The article analyzes the concept of sustainable development of Uzbekistan in the context of the ideas of Western liberalism, in particular the views of Francis Fukuyama, the path of development of Uzbekistan after independence, efforts to find a balance between national traditions and international experience, as well as the importance of creating strong institutions, protecting human rights and developing civil society for the sustainable development of the country.

Keywords: sustainable development, liberalism, Hegel. Karl Marx, Francis Fukuyama, globalization, world history, liberal values, market economy, democracy.

Жаҳон ҳамжамияти барқарор ривожланишни ўзининг стратегик йўли сифатида қарамоқда. Барқарор ривожланиш ижтимоий ва иқтисодий модернизацияга интилаётган мамлакатлар учун асосий қўлланма бўлиб

келмоқда. Барқарор ривожланиш иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларни қамраб олади. Хусусан, атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Жаҳон комиссиясининг (1987) ҳисоботида барқарор ривожланиш “келажак авлодларнинг имкониятларини бузмасдан ҳозирги авлод эҳтиёжларини қондирадиган ривожланиш” деб таърифланади[1].

Ўзбекистон Республикаси ўттиз уч йилдан кўпроқ мустақил тараққиёт йўлида одимламоқда. Мамлакатимизнинг танлаган тараққиёт йўлининг самарадорлиги туфайли унинг халқаро саҳнадаги обрўи ошиб бормоқда, жамиятимиз ҳаёти фаровонлашиб бормоқда. Маълумки, ҳозирги дунёда глобаллашув жараёнлари кечмоқда. Глобаллашув ҳодисалари ўрганилмоқда. Улар асосида ижтимоий тараққиёт истиқболлари башорат қилинмоқда. Бугунги даврни тушуниш учун мозийга назар ташланмоқда. XX аср охирида социалистик лагерь парчалангандан вужудга келган янги мустақил давлатлар жаҳон ҳамжамияти акторлари сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Барқарор ривожланиш ғояси ҳам глобаллашув феномени тан олинган XX асарнинг иккинчи ярмида илмий-оммавий лексиконда мустақкам ўрин олди. Бироқ барқарор ривожланиш йўлида Ўзбекистон бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Ижтимоий барқарорлик демократлаштириш ва сиёсий либераллаштириш жараёнлари билан боғлиқ бўлган кучли фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга ҳам боғлиқ. Америкалик сиёсатшунос Френсис Фукуяма ўз асарларида, айниқса “Тарихнинг охири ва охирги одам” (1992) китобида Ғарб либерал демократияси сиёсий тузилишнинг якуний шакли эканлигини таъкидлайди. У либерал тизимнинг асосий элементлари сифатида иқтисодий ўсиш, инсон ҳуқуқлари ва институционал ривожланишнинг аҳамиятига эътибор қаратади.[2] Фрэнсис Фукуяма ғарб фалсафаси тарихига мурожаат қилган ҳолда ҳозирги жаҳон тарихий тараққиётини баҳолашга жазм қилган ва бунда ғарбона либерал қадриятларни асосий мезон қилиб олган.

Фукуяма фикрича, буюк немис файласуфи Гегель тарих - инсоннинг ақл ва эркинликнинг юқорироқ даражаларига қараб қиладиган ҳаракатидан иборат жараён деб таърифлаган эди. Бу жараён мутлоқ ўз-ўзини англашга эришиш орқали ўзининг мантикий ниятисига етади. Бу мутлоқ ўз-ўзини англаш, Гегелнинг фалсафий тизимида берилган бўлиб, инсон эркинлиги эса Европада Француз инқилобидан ва америка

инкилобидан кейин Шимолий Америкада пайдо бўлган либерал давлатда ўз ифодасини топган.

Гегель ўз таълимотини ишлаб чиққанда, унинг замонавий либерал давлат шаклланиши билан тарих тугайди деган хулосасига унчалик эътибор берилмаган эди. Кўп ўтмай унинг ғоялари эса инсониятнинг Универсал Тарихини ёзишга даъвогар бўлган бошқа буюк “ёзувчи” Карл Маркс томонидан танқидга учраган эди. Фукуяма фикрича, биз ҳозир ҳам Гегель олдида катта интеллектуал қарздормиз. Ҳамма гап шундаки, биз аслида Гегель меросини асосан Маркс орқали биламиз. Карл Маркс Гегель таълимотининг муҳим жиҳатларидан ўз мақсадида фойдаланган. Маркс Гегелдан инсон фаолияти тарихийлиги, кишилиқ жамияти ибтидоийликдан нисбатан мураккаб ва юксак даражада ижтимоий тузилмаларга қараб ривожланганлиги тўғрисидаги ғояни ўзлаштирган.

Бу масалада Маркснинг Гегелдан фарқи тарих охирида қандай жамият вужудга келиши бўйича бўлган. Маркс бўйича либерал жамият тарихий жараёни тўхтата олмайди, чунки у асосий зиддиятни – синфий келишмовчиликни, яъни буржуазия ва пролетариат ўртасидаги зиддиятни ҳал қила олмайди. Маркс Гегелнинг тарихийлик тамойилини Гегелнинг ўзига қарши қўйган, ундаги либерал давлат ҳамма кишилар учун эмас, балки фақат битта синф - буржуазия учун эркинликни таъминлайди деб таъкидлаган. Гегель эса инсоннинг ўз-ўзидан четлашуви – бегоналашув ва унинг натижасида содир бўладиган ўз тақдирини назорат қилишдан маҳрум бўлиши муаммоси – тарихнинг охирида либерал давлатда эркинликка эришиш билан ҳал бўлишига ишонган. Маркс унга эътироз билдириб, либерал жамиятда меҳнат маҳсули бўлган капитал инсоннинг ҳукмдори ва хўжайинига айланади ва уни бошқаради, инсон ўзининг асл моҳиятидан бегоналашган бўлади, демек у эркин бўлмайди деб таъкидлаган. Гегель бўйича барча халқнинг манфаатларини ифодалаши назарда тутилган либерал давлатнинг амалдорлари “универсал синф” деб номланган. Маркс эса бу синф универсал бўла олмаслигини, чунки у фуқаролар жамиятида биринчи навбатда ўз хусусий манфаатларни, яъни ўзи унинг ташувчиси бўлган капиталнинг манфаатларини ифодалаши муқаррарлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, Гегель файласуф сифатида ўз тарихий даврининг одами, яъни ҳукмрон буржуазиянинг ҳимоячисидир.

Масалан, Польша ва Чехия каби Шарқий Европа мамлакатлари либерал демократияга ўтишнинг муваффақиятли мисолларини намоёниш этдилар,

бу Фукуяманинг "демократия ва капитализм муқаррар равишда фаровонликка олиб келади" деган гипотезасини тасдиқлади. Ўзбекистон бу мисолларни ўз шароитига мослаштириш орқали ўрганиши мумкин.

Дастлаб тараққиётнинг "Ўзбек модели" деб ном олган Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли умуминсоний қадриятларга бегона эмас. Бу моделга нисбатан танқидий нуқтаи назар мавжудлигини ҳам инобатга олган ҳолда унда биринчи навбатда халқимизнинг менталитети, унинг минг йиллардан бери амал қилиб келаётган қадриятлар тизими ҳисобга олинishiга урғу берилганлигини қайд қилиш мумкин. Қайсидир маънода, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини, шунингдек 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, "Ўзбекистон -2030" тараққиёт стратегиясини "Ўзбек модели"нинг изчил ва мантикий, такомиллаштирилган давоми деб қараш мумкин. Ўзбекистонда анъаналар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ўзига хос тарихий ва маданий шароитга эга. Шу маънода шахс эркинлиги ва бозорни ўз ичига олган Ғарб либерализми ғоялари қўлланишда маълум чекловларга дуч келишини табиий деб қараш мумкин. Бироқ, бу уларни миллий контекстга мослаштириш ва интеграциялаш мумкин эмас дегани эмас. Қизиғи шундаки, Фукуяма фалсафасида демократик институтларнинг маҳаллий шароитга мослашувчанлиги ва мослашиши муҳимлиги таъкидланган. Ўзбекистонда буни миллий анъана ва қадриятларга йўналтирилган, бироқ айни пайтда жамиятни бошқариш ва ривожлантиришга замонавий ёндашувларга асосланган кучли институтларни ривожлантириш орқали ифодалаш мумкин. Ўзбекистон барқарор ривожланишнинг ўзига хос ноёб моделини ишлаб чиқиш ва мукамаллаштириш давом этмоқда, бунда мамлакатнинг бой мероси ҳам, жаҳон тажрибасининг илғор тажрибаси ҳам ҳисобга олинмоқда. Бу жараёнда Ғарб либерализмининг демократик тамойилларни қўллаб-қувватлаш каби ғоялари маҳаллий идентиклик билан уйғунликда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий тараққиётда муҳим рол ўйнаши мумкин.

REFERENCES

1. Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек. //М.: АСТ,2015.259 с. https://rtpca.org/api/media/media/book/Fukuyama_Koniec-istorii-i-posledniy-chelovek-Sony-Reader-pdf-.233174.pdf
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси/<https://lex.uz/docs/3107036>
3. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси/https://president.uz/uz/pages/view/strategy?menu_id=144
4. “Ўзбекистон -2030” стратегияси тўғрисида”//<https://uzbekistan2030.uz/uz/decree/1>
5. Хайдаров, А. Х. (2022). Мультикультурализм замонавий жамиятда миллий маданиятлар трансформациясининг назарий-методологик асоси сифатида. *Журнал социальных исследований*, 5(2).
6. Аббор, Х. Х. (2022). Глобаллашув ва янги мустақил давлатларнинг барқарор ривожланиши: назарий социологик таҳлил. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SI-1).
7. Аббор, Х. Х. (2022). Глобаллашув ва янги мустақил давлатларнинг барқарор ривожланиши: назарий социологик таҳлил. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SI-1).
8. Abror, X., & Shuhrat o'g'li, S. A. (2024). Globallashuv sharoitida yoshlar ijtimoiylashuvi va dunyoqarashi shakllanishida roli. *zamonaviy dunyoning ijtimoiy manzarasi va jamiyat tuzilmalari ransformatsiyasi*.